



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ АҲОЛИ ОЛДИДА ҲИСОБОТ БЕРИШДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИ

Мустофақулов Бобур Асрор ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, капитан

Алламуратов Атабек Султанбек улы

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги
таълим Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
ихтисослиги бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 211-
ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14938540>

ARTICLE INFO

Received: 17th February 2025

Accepted: 18th February 2025

Published: 27th February 2025

KEYWORDS

Давлат органлари,
жиноятчилик, ҳисобот, ҳамкорлик,
профилактика инспектори,
ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.

ABSTRACT

Ушбу мақолада профилактика инспекторларининг маъмурий ҳудудда ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикаси ҳолати тўғрисида давлат органлари билан ҳамкорлиги, унинг қандай йўлга қўйилганлиги, ҳозирги кўриниши, ваколатли органларнинг вазифалари, ушбу соҳада амалга оширилаётган ишлар, камчиликлар, ҳамкорликнинг самарадорлиги ҳақида сўз юритилади.

Мамлакатимизда ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, уни мутлақо янги, замонавий босқичга кўтариш, соҳа ходимларининг аҳоли билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Барчамизга маълумки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарали ташкил этилиши халқимиз фаровонлиги ва мамлакатимиз барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини ривожлантиришнинг амалий механизмларини тадқиқ этиш, соҳада мавжуд муаммолар ечими юзасидан амалий ва назарий таклиф ва тавсиялаш ишлаб чиқиш, айниқса, бу борада масъул ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва олий юридик таълим муассасалари ҳамкорлигини жадаллаштириш бугунги кундаги долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 27 июль куни жиноятчиликнинг олдини олиш, давлат идоралари ва жамиятнинг бу борадаги масъулиятини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқида “Agar hamma birdek jon kuudirib, oilalar muammolaridan to’liq xabardor bo’lib, ularni hal etishga ko’maklashgan, jinoyatchilikning barvaqt oldini olganda edi, bugun natijalar umuman boshqacha bo’lardir. Afsuski, jinoyatchilikka qarshi kurashishda haligacha eskicha ishlash tizimidan voz kecha olmayapmiz. Huquqni muhofaza qiluvchi idoralar bu faoliyatga ko’rsatkichlarni oldingi davr bilan taqqoslash orqali baho berib kelmoqda. Aslida bitta bo’lsa

ham jinoyat bo'lgani hammamizni tashvishga solishi kerak"¹ дея бежизга такидламаганлар. Бу эса тинчлик ватанимиз учун шу юртда яшаётган фуқароларимиз учун нақадар кераклигини кўрсатади. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида бугунги кунда кўплаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиздаги кенг қўламли ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни "Халқ манфаатларига хизмат қилиш" тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини "Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадрини учун" устувор ғояси асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда.

2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сон "Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Президент қарорига мувофиқ "Ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг ҳисоботини фуқаролар йиғинларида эшитиш тартиби тўғрисидаги низом" тасдиқланган.

Ҳужжатга кўра, профилактика инспекторлари ўзларига бириктирилган ҳудуд бўйича тегишли фуқаролар йиғинларида ҳар ой якуни бўйича ҳисобот беради.

Йиғин ўтказилишидан 3 кун олдин бу ҳақда фуқаролар йиғинида кўринарли жойга эълон осиб қўйилади ҳамда аҳолига етказиш чоралари кўрилади. Профилактика инспектори фаолиятига аҳоли томонидан ҳаққоний баҳо берилишини таъминлаш мақсадида фуқаролар йиғини раиси ҳудуддаги уйлар аҳолиси (уларнинг вакиллари) қатнашишини таъминлайди. Йиғинга фуқароларни турли сабаблар билан қатнашишини тақиқлашга йўл қўйилмайди.

Профилактика инспекторларининг ҳисоботларини эшитиш якунларига кўра улар зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан кўрилаётган чоралар ва иш натижалари танқидий муҳокама қилинади, улар фаолиятининг самарадорлигига алоҳида баҳо берилади, шунингдек эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилинади ҳамда ички ишлар органи бошлиғига тақдим этилади.

Фуқаролар йиғини унда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолининг ярмидан кўпроғи ҳозир бўлган тақдирда ваколатлидир. Фуқаролар йиғинини чақиришнинг имкони бўлмаганда фуқаролар вакиллариининг йиғилиши ўтказилади. Фуқаролар

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev raisligida 27 iyul kuni jinoyatchilikning oldini olish, davlat idoralari va jamiyatning bu boradagi mas'uliyatini oshirish masalalariga bag'ishlangan videoselektor yig'ilishi. 27.07.2018. <https://xabar.uz/uz/siyosat/shavkat-mirziyoyev-bitta-bolsa-ham>.

вакилларининг йиғилиши, агар унда фуқаролар вакилларининг камида 2/3 қисми қатнашса, ваколатлидир.

Фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) қарор унда қатнашганларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда йиғинни (йиғилишни) олиб борувчи масъулларнинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

“Маҳалла – ҳам онанг, ҳам отанг” ҳикмати бежиз айтилмаган. Маҳалланинг тарбия маскани сифатида янада шаклланишига барча бирдек ҳисса қўшмоғи лозим. Шуларни ҳисобга олган ҳолда маҳалла ва қишлоқларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш фаолиятини бевосита амалга ошириш, шунингдек, фуқароларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида биргаликда ишлашни ташкил этиш мақсадида Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тузилмаси жорий қилинди. Ушбу масканда профилактика инспекторлари аҳолининг муаммоларини яқиндан ўрганиш мақсадида “маҳаллабай”, “хонадонбай” ва “фуқаробай” тамойиллари асосида ишлаш тизимига ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сонли “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳар ойда профилактика инспекторларининг ҳисоботларини эшитиши, профилактика инспекторларининг ҳисоботларини эшитиш яқунларига кўра улар зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан кўрилатган чоралар ва иш натижалари танқидий муҳокама қилинади, улар фаолиятининг самарадорлигига алоҳида баҳо берилади ҳамда эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилиниши профилактика инспекторлари ҳар ойда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ҳолати тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳисобот тақдим этишлари белгилаб қўйилди².

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16-сентябрда қабул қилинган “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунининг 15-моддасида Профилактика инспекторлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этиши белгилаб қўйилган³.

Шу сабабли ҳам профилактика инспекторининг ҳисоботини режа учун эмас, аввало, ўзи хизмат қилаётган маҳалладаги жамоат тартибини, фуқароларнинг тинчлигини сақлаш учун ишлаши ва хизмат қилишини такомиллаштириш йўлидаги фаолият сифатида баҳолаш лозим. Профилактика инспекторлари қуйидаги асосий йўналишлар бўйича ҳисобот беради:

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сонли “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан.

³ Алиев Шўхрат Хасанович, Ўзбекистонда жамоат хавфсизлигини таъминлаш: ислоҳот ва натижа. Ўзбекистон Республикаси жамоатхавфсизлиги концепцияси: натижа ва истиқболлари республика илмий-амалийконференция материаллари тўплами (2022 йил 4 ноябрь) Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2022 й. 23-б

Хуқуқбузарликлар профилактикасини, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ташкил этиш,

Шунингдек одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ва хуқуқбузарликлар, уларнинг содир этилиши сабабларини, уларга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этиш;

Вояга етмаганлар ва ёшлар билан уларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, ёш авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган ишларни бевосита амалга ошириш;

Хуқуқбузарликлар профилактикаси (одам савдоси билан боғлиқ хуқуқбузарликлар ва жиноятлар), фуқароларнинг хуқуқий маданиятини ошириш масалалари бўйича ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, давлат органлари, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш;

Хуқуқбузарликларни(одам савдоси жинояти ва хуқуқбузарлигини) аниқлаш ва уларга чек қўйиш,

хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича махсус профилактик чора-тадбирларни,

Шунингдек, хуқуқбузарликларни (одам савдосини) содир этишга мойил шахслар билан профилактика ишларини амалга ошириш;

ўқувчиларининг таълим муассасаларидаги давоматини назорат қилиш,

ижтимоий хавфли ҳолатда бўлган ва таълим муассасаларига қатнамайдиган вояга етмаганлар ва ёшлар, шунингдек, ушбу тоифадаги шахсларнинг ота-оналари билан профилактика ишларини олиб бориш.

Профилактика инспекторлари ҳисобот бериш жараёнида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўриқланадиган давлат ва хизмат сирларини ҳимоя қилиши ҳамда инсонларнинг шахсий ва оилавий сирларининг дахлсизлигини таъминлаши лозим⁴.

Ўзбекистон Республикаси 2014-йил 14-майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикасининг 371-сонли қонунида ҳам хуқуқбузарликларни олдини олиш, аниқлаш, уларга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича ваколатли бўлган бир қатор давлат органлари ва муассасалари кўрсатиб ўтилган бўлиб, уларга қуйидагиларни мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

– Ички ишлар органлари;

– Прокуратура органлари;

– Давлат хавфсизлик хизмати органлари;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати органлари;

– Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари;

⁴ Mayor, Atazhanov O'tkir Mamatsalaevich. "ICHKI ISHLAR ORGANLARI PROFILAKSIYA INSPEKTORIY INSPEKTORLARI MAHALLA FUQAROLAR YIGINLARIDAGI HISOBOT BERISH FAOLYATINING HUQUIY ASOSLARI TAHLILI." *Yangi asr innovatsiyalari jurnali* 11.6 (2022): 117-121.

- Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги;
- Адлия органлари;
- Давлат божхона хизмати органлари;
- Давлат солиқ хизмати органлари;
- Меҳнат органлари;
- Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари;
- Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;
- Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари;
- Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ва бошқа шу каби орган ва ташкилотлардир.

Юқорида рўйхати кўрсатиб ўтилган органлар ва ташкилотлар бевосита профилактика инспекторлари билан ўзаро ҳамкорликда иш фаолиятларини олиб борадилар. Улар маҳаллада истиқомат қилаётган ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар, ҳуқуқбузарлик содир этган ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган ва ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахслар билан ишлашда кўмаклашишади. Ушбу ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектлар билан биргаликда маҳаллада қилинган ишлар бўйича ҳисобот беради. Ҳар бир йўналиш бўйича профилактика инспекторлари давлат органлари билан маҳалласида жиноячилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича ишларни самарали амалга оширомоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида профилактика инспекторлари маҳалласида ҳар ойлик ҳисоботни маҳалла еттилиги аъзолари билан биргаликда бериб бормоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, янги Ўзбекистон шароитида ички ишлар органлари ходимлари, айниқса, халққа энг яқин бўлган профилактика инспекторлари олдида муҳим вазифалар турибди. Бу вазифаларни самарали бажариш эса улардан касбий маҳорат, бой тажрибадан ташқари чуқур ҳуқуқий билимни ҳам талаб этади. Президентнинг юқорида тилга олинган фармон ва қарорлари ана шу эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади. Қолаверса, ҳар томонлама билимли профилактика инспекторларигина давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, маҳалланинг ички ишлар органларидаги ҳақиқий вакили бўла олади. Юксак билимли ва ватанпарвар профилактика инспекторлари маҳалла аҳолисига ҳисоботи уларни маҳалла билан ҳамкорлигининг ажралмас ва муҳим бўлаги бўлиб, фаолиятни талаб даражасида ташкил этиш ҳамда бу орқали фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ва жиноятчиликка қарши курашишни самарали ташкил этиш имконини беради. Маҳалла ҳудудидаги мавжуд муаммо ва камчиликларни доимий равишда ўрганиб бориш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш йўлидаги ушбу давлат органлари билан ҳамкорлик ва ҳисобдорлик профилактика инспекторининг фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда такомиллаштиришга хизмат қилади. Ушбу ҳисобот бериш тартибининг жорий этилиши маҳаллада жиноятчилик камайишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. 14.10.2017. <https://president.uz/uz/lists/view/1147>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сонли “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан.

<https://yuz.uz/news/asosiy-maqсад--yaxlit-tizimni-yaratish-va-zamonaviy-ish-uslublarinijoriy-etish-“Yangi Ўзбекистон” газетасида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобожонов билан эълонқилинган “Асосий мақсад –яхлиттизимни яратиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш” номли суҳбат / 26 август2022 йил.>

Алиев Шухрат Хасанович, Ўзбекистонда жамоат хавфсизлигини таъминлаш: ислоҳот ва натижа. Ўзбекистон Республикаси жамоатхавфсизлиги концепцияси: натижа ва истиқболлари республика илмий-амалийконференция материаллари тўплами (2022 йил 4 ноябрь) Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2022 й. 23-б

Mayor, Atazhanov O'tkir Mamatsalaevich. "ICHKI ISHLAR ORGANLARI PROFILAKSIYA INSPEKTORIY INSPEKTORLARI MAHALLA FUQAROLAR YIGINLARIDAGI HISOBOT BERISH FAOLYATINING HUQUIY ASOSLARI TAHLILI." Yangi asr innovatsiyalari jurnali 11.6 (2022): 117-121.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг“Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” фармони 26.03.2021 йилдаги ПФ-6196-сон <https://lex.uz/docs/5344118>.

Bobur, Mustofaqulov, Asror o'g'li, Niyatullo Jahongir o'g'li Ahmadqulov. "MUHIM SIYOSATDAN KASALLIK INSPEKTORLARINI OLDINI OLIH". Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.2 (2024): 58-62..

ugli G'ofurov, A. A., & o'g'li Mustofaqulov, B. A. (2024 yil, dekabr). HUQUQCHIYLIK profilaktikasi XIZMATINDA KADRLARNI TA'LIM OLIHNING SAMARALI TIZIMINI TAKMONLASH. XALQARO ILMIY KONFERENSIYADA "ILMIY ILIMLAR VA INNOVATSION YUNDASHISHLARI" (1-jild, 2-son, 16-22-betlar).

Bobur, Mustofaqulov, Asror O'g'li va Asadbek Abror O'g'li Abduxalilov. "MUHIM HODISA BO'LGAN HOLDA KASALLIKNING MUHIMLIGINI TEKSHIRISHNI profilaktikasi". Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.1-2 (2024): 130-136.